



HUDUDGAZTA'MINOT
AKSIYADORLIK JAMIYATI

ТАБИЙ ГАЗНИ УЛГУРЖИ
ИСТЕМӨЛЧИЛАРГА
ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ
ШАРТНОМАСИ
№ 00232

Түснүүлүштүү 4 2022-жыл

Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул қилиш
ШАРТНОМАСИ

2022 йил 10 ой

2022-сон

Динисекер ш

(шартнома тузилган жой)

Низом асосида фаолият юритувчи
Бо мажбурияти
Бо мажбурияти
Бо мажбурияти

(Истеъмолчи номи)

Рашидова Н.Р.

(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбари
03-19-04194 бир томондан ҳамда Низом ва 2022 йил
5 ой да беридган -соили ишончнома асосида фаолият юритувчи
"Худуд газ наустаг" (газ таъминоти
таскилоти номи) (кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб аталади), раҳбари
Ахедиев Р.Иккинчи томондан, кўйидагилар тўгрисида мазкур шартномани туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоклари орқали Истеъмолчининг келишилган буюрманомаси бўйича табиий газ (кейинларда ўринларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаптириш лойиҳасига мувофик, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертификатга эга газ курилмалари, шунингдек, электрон газни хисоблаш приборлари (кейинги ўринларда хисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган мельёрларга (Табиий газдан фойдаланиш коидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўреатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол килинни тахмин килинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган газ ҳажми техник шартнорада белгиланган босим ва ҳажмда 2022 йилда 48483 куб.м, нархи 32,305,980 минг куб.м, минги ташкил килади, жумладан чораклар ва ойлар бўйича кўйидагича тасвимладади:

I чорак	48483	минг куб.м, январь	25045	февраль	12545	март	11363
II чорак		минг куб.м, апрель	2	май	2	июнь	2
III чорак		минг куб.м, июль	2	август	2	сентябрь	2
IV чорак		минг куб.м, октябрь		ноябрь	2	декабрь	

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тўлиқ ҳажмда кўреатиш учун магистрал ва газ таъсимоти тармокларининг ишлами издан чиқсан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъқамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон карорида кайд этилган стратегик ва ижтимоий аҳамиятта эга Истеъмолчиларга 20 йилда зарур бўлган табиий газнинг

минимал ҳажми 48983 минг куб метри, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича
куйидагини тақиқил килиади:

I чорак 48983 минг куб.м., январ 25045, февраль 12575, март 11363
II чорак 2 минг куб.м., апрель 2, май 2, июнь 2.
III чорак 2 минг куб.м., июль 2, август 2, сентябрь 2.
IV чорак 2 минг куб.м., октябрь 2, ноябрь 2, декабрь 2.

1.5. Агар, Истемолчи ойлар бўйича бўлиниган буортманомани тақдим этмаса,
Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми ойлар бўйича бир
хил микдорда тақсимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истемолчи буортгмаларини табиий газ ресурсларининг ва
газни тақсимлашнинг тасдиқланган балансига мувофиқ ажратилган ҳажмлар доирасида
қайти кўриб чиқинши мумкин. Истемолчи томонидан навбатдаги ой (чорак) учун
кўрсатилган табиий газ ҳажмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ таъминоти
ташқилотига хабар берган тақдирда, бундай ҳолат ортиқча олинган газ микдори деб
хисобланамайди.

II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада қайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда ҳамда
ГОСТ 5542-2014 (Саноат ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнувчи газлар) га мувофиқ
тарздаги табиий газни етказиб берилади.

2.2. Истемолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларига
асосан жорий бўй учун газ истемолчининг суткалик меъёри доирасида газ кабул килиб
олади, шунингдек, ой охирида тузилиган газ етказиб бериш ва кабул килиш
далолатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Истемолчига 24 соат ичидагаз етказиб бериш ва кабул килиш
тартиби ва шартлари ўзгартсанлиги тўғрисида барча усувлар оркали Истемолчини
хабардор килиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон ракамлари:

104, Н 196-39-50

Истемолчи манзими ва телефон раками:

200 Матемалов 104 (9) 089-52-50

2.4. Етказиб берувчи Истемолчини газ етказиб бериш кискартирилишига кадар
камидаги 24 соат аввал бу ҳақида хабардор килиши шарт, магистрал газ кувурларида юз
берган авария холатлари бундан мустасно. Истемолчи хабардор килингандан кейин газ
етказиб бериш дархол кискартирилади ёки тўхтатилиади.

2.5. Магистрал ва таксимловчи газ кувурларининг технологик иш режимлари
бузилганда, шунингдек, куз-киш мавсумида ижтимоий соҳа обьектларини ва аҳоли
истемолчиларини бир маромда табиий газ билан таъминлаш мақсадида Етказиб берувчи
Истемолчини огохлантирган ҳолда газ етказиб беришини чеклаш ёки тўхтатиб кўйинш
хукукига эга, Истемолчи эса захира ёкилиги туридан фойдаланишга ўтади.

2.6. Истемолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-кабул килиш доирасида
тезкор маълумотларни мунтазам алмашишни таъминлаш учун жавобгарликни ўз зинмасига
олади.

2.7. Истемолчи захира ёкилиги туридан фойдаланишни кўзда тутиши ва уни етарли
микдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатта) шакллантириши шарт. Истемолчи Етказиб
берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ
захира ёкилигига ўтиши ва газдан фойдаланишни тўхтатилиши лозим. Газ етказиб беришнинг
тўхтатилиши тегиши далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.8. Истемолчи ўзига тегиши бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатилган
ускуналар, ГТП (газ таксимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз ҳолда
фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда саклаш учун жавобгар ҳисобланади.

2.9. Истемолчининг кўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши,
реконструкция қилиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш ҳажми ўзгаришига
олиб келган холларда. Истемолчи Етказиб берувчидан кўшимча газдан фойдаланиш
ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция қилишга техник шартларни олиши шарт. Газ
тармоқларига уланиш Табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ амалга
оширилади.

2.10. Истемолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов реквизитлари ўзгартган холатларда
улар зудлик билан бир-бирини бу ҳақида хабардор қилиши шарт.

2.11. Табиий газни қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва истемол қилиш
режимининг ягона узлуксиз технология жарабенини хисобга олиб, табиий газни Ишлаб
чикарувчи ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш Истемолчилар учун мажбурий
ҳисобланади.

III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни ҳисобга олмасдан етказиб беришга йўл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ микдори газ тармоқлари бўлиниши чегарасида
ўрнатилган ҳисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аниқланади
ҳамда ҳар иккى томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва кабул килиш далолатномаси
билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чегараси (Истемолчи балансида бўлган газ тармогининг
бошланиши ҳисобланаби) Етказиб берувчи ва Истемолчи ўртасидаги, тегишилиги бўйича
аниқланадиган газ тармоғи бўлиниши нуктаси ҳисобланади ва унда ҳисоблаш приборлари
ўрнатилиши шарт.

3.3. Бирлик микдори стандарт шароитда 1 м³ газ олиниди: харорат 20° С, босим
101,325 кPa (760 mmHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асосан). Газ ҳажми газнинг физик-
кимёвий параметрлари (стандарт шароитда, азот ва карбонат ангидрид) кийматлари бўйича
тузатилади.

Газ микдори “Ўзстандарт” агентлигининг меъёрий-хукукий хужжатлари
талабларига мувофиқ газ микдорини стандарт шароитга автоматик равишда келтирадиган
газни ҳисоблаш приборлари ёрдамида аниқланади.

3.4. Етказиб берувчининг ёки Истемолчининг балансида бўлган газ ўлчаш
прибори ва/ёки ўлчов комплекси унинг мулки ҳисобланади.

3.5. Истемолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси таълови
тегиши қоидалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилади ва Етказиб берувчи билан
келишилади. Истемолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси газ
истемолини ҳисобга олиши ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ПХНАТ-
АСКУГ) ларига уланиши лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги коидалар ва мөшерларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида О'з DSt 8.030:2008 “Ёкиғи ва энергия. Ҳисобга кўйиладиган умумий талаблар”, О'з DSt 8.031:2008 “Ёкиғи ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жихозлаш ва уларни ишлатиш” давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя қилин.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги мөшерлар ва коидаларга мувофиқ бўлиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари “Ўзстандарт” агентлигининг жорий киёслов кўргидан ўтказилган сертификати ва/ёки метрологик аттестациясига эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг киёслов кўрикдан ва/ёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини “Ўзстандарт” агентлиги белгилайди.

Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслару эгаси газ ўлчаш приборларини киёслов кўргидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексларини (ва унинг таркибий қисмларини) “Ўзстандарт” агентлигига метрологик аттестациядан ўтказишининг ўз вақтида бажарилиши учун масъудлар.

3.10. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (киёслов кўрги/калибраш, торайиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги мөшерлар ва коидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

3.11. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (киёслоши кўрги/калибраш, торайтириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги мөшерлар ва коидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

Етказиб берувчининг вакилини газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексининг эгаси чакиради.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларини модернизация килиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашининг бошқа усусларини ташлаш масалалари Етказиб берувчи билан келишилади.

3.13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитдаги зичлик, азот ва карбонат ангирид) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига киритилади.

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритиши таъминлайди. Етказиб берувчи Истемолчига газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида етказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Етказиб берувчи ўзининг тамгаларини газ ўлчаш приборларига ва/ёки ўлчаш комплексининг газ ҳажмини ўлчашга таъсир киладиган қисмларига Истемолчи иштирокида ўрнатади ва тегиши далолатнома тузилади. Ўрнатилган тамгаларни бутлилига Истемолчи жавобгардир.

3.15. Етказиб берувчи Истемолчининг газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркибий қисмларининг тўғри ишланини кузатиш хукукига эга. Шу билан бирга, Истемолчи Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ Етказиб берувчи вакилларининг ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш комплексларига тўсиқизишини таъминлайди.

3.16. O'z DSt 8.586.(1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишида файритабии ҳолатлар юзага келган таъдирида O'z DSt 8.064:2017 бўйича газнинг микдори ҳисобланади (корректировка). Ўлчаш курилмаси ва /ёки ўлчаш комплекси фаолиятига руҳсатсиз араласиши ҳолатлари бундан мустасно.

3.17. Олинган газ учун ҳисоб-китоб, қуйидаги ҳолларда тамгаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши ҳисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни ҳисобга олмаган ҳолда газ истемоли – газни ҳисоблаш прибори ва газни сарф килиш нормаси бўлмаганда, газни ҳисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истемол килиш (ноконуний байпас линиялари улангандা) охирги ҳатловдан ўтказиш далилномаси тузилган кундан аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

б) ҳисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартирилганда - охирги ҳатловдан ўтказиш далилномаси тузилган кундан, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

в) ҳисобга олиш прибори бузилганда (ҳисобга олиш прибори бузилганини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатга олган ҳолда бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

г) ҳисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – киёслов кўргидан ўтказиш учун ечилиганде – ҳисобга олиш прибори ечилиган кундан “Ўзстандарт” агентлигидан киёсловдан ўтказилиб, сертификат олиниб жойига ўрнатилган кунгача бўлган вақтга;

д) ҳисобга олиш приборини киёслов кўргидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш муддати тугаганда – киёслов кўргидан метрологик аттестация ўтказиш муддати тугаган кундан киёслов кўргидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечилиганде – ҳисобга олиш прибори киёслов кўргидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексини тарқатиш тармоқларининг технологик режимини бузадиган газ кувурларида ёки ГТПларда асбоб-ускуналар ўрнатилганда – охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтда;

ж) ҳисобга олиш приборини ўзбопимчалик ечиб кўйилганде – охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтда;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режимини бузадиган газ кувурларида ёки ГТПларда асбоб-ускуналар ўрнатилганда – охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтда;

и) Газ ҳисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноконуний тарзда ташки таъсир кўрсатган ҳолда табиий газни истемол килиши ҳолатлари аниқланганда– ташки

таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлса), бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга;

к) ҳисобга олиш приборининг хотирасида сақланадиган архив маълумотларини йўқотиши, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимидан ҳисобот ойида маълумотлар олиши имкони бўлмаганда ёки етказиб берувчининг оператив журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Ҳисоб-китоб учун ТГҲНАТ (АСКУГ) тизими жорий килинган истеъмолчиларда ҳисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол килинган табиий газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТГҲНАТ тизимида қайд этилган маълумотлардан олинади);

л) газ истеъмоли ҳажмлари ҳисобга олиш приборининг рухсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлгандা, пломбаланмаган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоблар охиригина хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмаганда эса – газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охиригина марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш хужжатларини расмийлаштирумасдан истеъмолчи томонидан кўшимча газ курилмаси ўрнатилиши ҳолати аникланганда (кўшимча газ анжомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асослантирувчи хужжатлар мавжуд бўлганида) - бир ҳисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори газ ҳажмини пастки чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми ҳисобга олиш прибори ва/ёки ўлчов комплексининг меъёрий-техник хужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки чегарасида олинади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган газ ҳажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг ишланиши бузилган ҳолатлар аникланганда, Етказиб берувчи "Ўзстандарт" агентлиги бўлинмаларида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб килиш хукуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказашлик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлгандан эса – экспертиза ўтказилиши талаб қилган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар ҳисобга олиш прибори ишдан чиқканда ёки ҳисобга олиш приборидан газ сизиб чиқиши ҳолатлари аникланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичida Етказиб берувчига бу ҳақда хабар бериш шарт. Шунингдек корхонадаги газ ишлатадиган асбоб-ускуналарни ишлаш графигини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргаликда ўчириб тамғаланишини таъминлаши шарт.

3.21. Ҳисобга олиш приборларида газ сизиб чиқиши ҳолати аникланган тақдирда қайта ҳисоб-китоблар охиригина кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вактдан бошлаб аникланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади.(O'z DSt 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).

IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги конунчилликка мувофиқ белгиланади.

4.3. Истеъмолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишидан камида 5 кун олдин Етказиб берувчининг ҳисоб ракамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми кийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлайди.

Ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириши хоҳишни билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб етказиб берилган табиий газ учун 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида ҳисоб-китоб қилиши тўғрисида Етказиб берувчига билдири тартибида мурожаат килишга ҳақлидир. Бундай ҳолатларда истеъмолчилар ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин газ таъминоти ташкилотининг ҳисоб ракамига табиий газ етказиб беришга тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ ҳажми киймати суммасининг 50 фоизи миқдорида олдиндан ҳақ тўлашлари шарт. Амалда истеъмол килинган табиий газ ҳажми учун якуний ҳисоб-китоб ҳисобот ойининг охиригача амалга оширилади.

4.4. Истеъмолчига газ олдиндан тўловсиз етказиб берилмайди.

4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайди (стратегик корхоналар ва ижтимоий аҳамиятга эга истеъмолчилар бундан мустасно).

4.6. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санаига қадар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб қилиш ойи тутагандан кейин 30 кун мобайнida олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадилади.

4.8. Табиий газдан фойдаланишида Истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблаглар кайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблаглар эса келгусида газдан фойдаланишида ҳисобга олинади.

4.9. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, Истеъмолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган табиий газ кийматига нисбатан 1.4 коэффициент билан оширилган тўлов ундирилади.

Бунда, белгилангани тартибида ҳисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлат, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созлигини мониторинг қилиш учун ечиб олиш, шунингдек, Истеъмолчига алокадор бўлмаган турли хил (электр таъминоти носозлиги, чакмоқ, қиска туташув ва.х.)даги техник носозликлар аникланганлиги сабабли истеъмол қилинган табиий газ ҳажмини ўрнатилиган газ асбоб-ускуналарини тўлиқ куввати бўйича ҳисоб-китоб қилиниши натижасида шартномадаги ҳажмлардан ортиқ ҳажмларни ташкил қилган ҳолатлар бундан мустасно.

4.10. Табиий газ учун Истеъмолчининг қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблаглари Истеъмолчини хабардор килган ҳолда қарзни коплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ киймати ўз вактида тўланмагандан, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов

суммасининг 0,4 фоизи микдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пея тўлайди.

4.12. Хисоб-китоб ойида етказиб берилган табий газ ҳажми Етказиб берувчи вакиллари томонидан табий газ истеъмолини хисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёзб олиш (ТГҲНА Тга уланган, шунингдек, табий газни истеъмол килишини хисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган меъблар бўйича хисоб-китоб киладиган истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзб олинган кўрсаткичлар Fossa тизимида киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табий газ истеъмолини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларни интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган ҳолда киритиш орқали аникланади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томонидан хисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш-қабул килиш далолатномаси расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул килиш далолатномасига асосан истеъмолчига электрон хисобварак-фактура тоборилади.

4.14. Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги хисоб-китобларнинг ҳаққонийлигин таъминлаш учун хисбот даврида газни етказиб бериш-қабул килиш далолатномаси Истеъмолчидаги кўйидаги техник хужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) газни хисоблаш прибори хотирасидан хисбот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;

б) Истеъмолчига тақдим этиладиган, Истеъмолчининг бўлиниш чегарасигача бўлган жойдаги газ тармоқлари ва ГТҚлардаги технологик йўқотишларнинг ҳажми тўгрисидаги далолатноманинг мавжудлиги; Бунда Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоқлари ва ГТҚдаги технологик йўқотишлар Истеъмолчи хисобига олиб борилади.

4.15. Истеъмолчи ойнинг 7 кунидан кечиктиргасдан Етказиб берувчидан хисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш ва қабул килиш далолатномасини қабул қилиб олади, имзолайди ва бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул килиш далолатномасига асосан электрон хисобварак-фактурани қабул килади.

4.16. Табий газни етказиб бериш-қабул килиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътиrozлар билан имзолаш Истеъмолчини кўрсатиб ўтилган табий газ ҳажмлари учун тўловлардан озод қилмайди. Узатилган ёки қабул килишган газ микдорини аникланадан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан хисоб-китоб қилиш ойи тугагандан кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрида маълум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Етказиб берувчи вакилига тақдим килади. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганида, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқилиши керак.

4.17. Истеъмолчидан дебитор қарзларни ундириш Етказиб берувчи томонидан конунда белгиланган тартибида амалга оширилади.

4.18. Газ узиб қўйилганидан сўнг ўзбошимчалик билан қайта уланганда, истеъмол килинган газ ҳажми ва унинг қиймати газ узиб қўйилган кундан бошлаб, уланган газдан фойдаланиши ускунасининг бир суткада 24 соат ичida тўлиқ кувват билан ишлаб туриши хисобидан аникланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгарган тақдирда, Етказиб берувчи бу хақидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор

килади. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида қолади, истеъмол килинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у конунда белгиланган тартибда кучга кирганидан сўнг амалга оширилади. Бунда истеъмолчи табий газнинг аванс тарқасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кўпич билан кейинги I ой кўшимча тўлов тўлашдан озод килинади.

V. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Газдан фойдаланишида Истеъмолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилиши, Етказиб берувчи ва Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланадиган ва икки нусхада тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истеъмолчидан, фойдаланган газ ҳажми қиймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ ҳажми қийматининг ундирилиши Истеъмолчидаги конунчилликда белгиланган жавобгарликдан озод қилмайди.

VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛANIШ ТАРТИБИ

6.1. Истеъмолчидаги ҳолатларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу ҳолатларнинг бартараф этилгунига қадар газ тармоқларидан узиб қўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмагандা;
- Етказиб берувчи вакилларини газдан фойдаланиши ускуналари ва хисобга олиш курilmalariini назоратдан ўтказишига йўл қўйилмагандা;
- фойдаланишига газ учун хисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижасида қарздорлик мавжуд бўлганда;
- шартномада белгиланган буюртмаларга етарли микдорда олдиндан тўловлар амалга оширилмагандা;
- Етказиб берувчининг ва “Ўзнефтгазинспекция”нинг кўрсатмалари бажарилмагандা;
- хисоблаш приборларига қасаддан зарар етказилгандан, прибор кўрсаткичларни ўзгартириши максадида уларнинг ишлашига тўскилил қилувчи хатти-харакатлар амалга оширилган ҳолатларда;
- газни хисобга олиш приборларига ташки ташки кўрсатишга ҳаракат қилиш;
- Газдан фойдаланиши қондаларига зид равищда газ тармоқларига ноқонуний уланиши ёки бошқа қондалузарликлар ёхуд газни талон-тарож қилиш ҳолатлари аникланганди;

Бунда Етказиб берувчи газ таъминотининг ўчирилиши натижасида етказилган моддий зарар ёки бой берилган фойда учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

6.2. Тармоқка қайта уланишда амалдаги конунчиллик мувофиқ Истеъмолчидан базавий хисоблаш микдорининг ўн баравари микдорида ҳак ундирилади. Шартноманинг 13.1.-бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

6.3. Газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат килишининг автоматлаштирилган тизим (ТГХНАТ) ларига уланган истеъмолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳак ундирилмайди.

VII. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7.1. Етказиб берувчи қуидагиларга мажбур:

- ўзига қарашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда сақлаш ва уларни ўз ҳисобидан таъмириш-тиклиш;

- ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда рухсатсиз уланишларни аниқлаш учун даврий кўздан кечирип;

- табиий газ етказиб берип қискарсан ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида Истеъмолчиларни хабардор килиш;

- газ ҳисоблаш ускуналаридан олинган архив маълумотларни, электрон маълумотларнинг барча параметрларини камидан уч йил мобайнида ўзида сакланишини таъминдаш;

- шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандларига кўрсатилган ҳолатлар содир этилганлиги ва улубу ҳолатларни бартараф этилгунинг кадар табиий газ таъминотини кўшимча огохлантиришлариз тармоқдан ўчириш;

- табиий газнинг рухсатсиз истеъмол килинганини, газ тармоқлари моддий бойликларининг талон-тарож килинганини тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза килиш органларини хабардор килиш;

- Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;

- конунда назарда тутилган тартибда монополияга карни давлат органининг тақдимномасига асосан шартномага ўзгартришлар киритиш;

- Етказиб берувчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;

- техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофиқ истеъмолчиларнинг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтисдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмат кўрсатиш;

- табиий газ сизиб чиқишида — дархол;

- овқат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига — бир кун давомида;

- иситиш мавсумидан иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига (иситиш мавсумидан ташқари вактда) — икки кун давомида;

- Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка муддат ичida алмаштириш;

Етказиб берувчи конунчилликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Етказиб берувчи куйидаги ҳуқукларга эга:

- техник заруратга кўра, Истеъмолчини белгиланган тартибда хабардор килган ҳолда, табиий газни етказиб беришни қисқартириш ёки тўхтатиш;

- газ таъминоти тармоқларига рухсатсиз уланиш ҳолатлари аниқланганда уларни белгиланган тартибда газ тармогидан узиб қўйиш;

- Истеъмолчилардан табиий газдан фойдаланиш коидалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишини талаб килиш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини ижро килишдан қонун хужжатларига мувофиқ бир томонлама воз кечиши;

- газ тармоқларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзага келганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огохлантиришдан ҳамда зудлик билан хабардор килган ҳолда, табиий газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклап;

- ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган коидабузарликлар бартараф этилгунинг кадар аввалдан огохлантирган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш;

- табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор килиш.

7.3. Истеъмолчи қуидагиларга мажбур:

- ҳисобот ойида табиий газ етказиб бериш ва қабул килиш далолатномасини ва ҳисоб-варакасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасигача Етказиб берувчига электрон газ ҳисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш;

- газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиши;

- газ ҳўжалиги газ қувурлари ва ускуналарини техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш;

- газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳакида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор килиш;

- ўзининг газ тармоқлари даҳлизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган рухсатсиз уланишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишида кўздан кечириб чиқиши;

- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертификатланмаган, газлаштириш лойиҳасига (ЛТХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл кўймаслик;

- газ етказиб берувчи вакиллари ва "Ўзнефтгазинспекция" ходимларининг (тегишли тувохнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол килишни ҳисобга олиш приборларини ва/ёки газдан фойдаланиш ускунасини кунининг исталган вақтида эркин кўздан кечиришини таъминлаш;

- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳуқукига эга бўлган ихтинослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;

- табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартриш мақсадида уларнинг ишлашига тўскинилк қилувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик, уларнинг қаёддан бузилишига йўл кўймаслик ва ўрнатилган тамғаларининг бутунилигини таъминлаш;

- табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қуляй шаклда дархол хабардор килиш.

- Газ тармоғи бўлиниши чегарасида табиий газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятини берувчи газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат

қилишнинг автоматлаштирилган (ТГХНАТ-АСКУГ) тизимида уланган хисоблагу приборлари Истемолчи томонидан ўрнатиш..

7.4. Истемолчи Етказиб берувчидан қийдагиларни талаб қилиш ҳукуқига эга:

- етказиб берилган табии газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, Етказиб берувчининг табии газни истемолини хисобга олиш приборлари ишланинг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;
- табии газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимига риоя қилиган ҳолда узатилиши;
- табии газни етказиб бериш шартномаси бекор килинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қайтариш;
- табии газни етказиб бериш шартномасини қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор килиш;
- табии газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бундан мустасно);
- газ етказиб беришини вактинча тўхтатиш.

Истемолчи конунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳукукларга эга бўлиши мумкин.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Истемолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлиқ етказиб берилмаганини оқибатида етказибдан моддий зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибида қоплади.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганилик ёки тўлиқ етказиб бермаганилик учун куйидаги ҳолларда жавобгар хисобланмайди:

- а) Истемолчи томонидан газ таъминоти тармокларига қўшимча газдан фойдаланиш ускунасини рухсатсиз улаш ҳолати аниқланганда;
- б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;
- в) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда;
- г) истемолчи томонидан шартнома талабларига амал килинмаганида;
- д) мазкур шартноманинг 2.5. ва 6.1.бандларида кўрсатилган ҳолларда.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истемолчига моддий зарар етказилганда, Етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан базавий хисоблаш микдорининг ўн баробаридан ўн беш баравари микдорида жарима кўлланади.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаoliyatining шартномавий-ҳукукий базаси тўгрисида”ти Конуни асосида жарима санкциялари кўлланилади, куйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

- а) форс-мажор ҳолатлар;
- б) магистрал газ қувурларида ва газ тармокларида авария ҳолатлари юз бергандা;
- в) киши даврида вактинча газ етказиб бериш чекланганида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон карорлари, шунингдек, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоятларва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериши тармогидан узib кўйилмайдиган объектлар рўйхатига киритилган корхоналардан ташкири);

г) шартнома асосида Истемолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда.

8.4. Етказиб берилган табии газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатлар талабларига мос келмаганда, Истемолчи газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этганида Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми кийматининг 20 фоизи микдорида жарима тўлашни талаб қилиш ҳукуқига эга. Агар, газ киймати тўланган бўлса, Истемолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибида тўланган суммани қайтариши талаб қилиш ҳукуқига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилгандан, Етказиб берувчи Истемолчига муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи микдорида, бирор етказиб берилмаган газ кийматининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пена тўлади.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳақи ўз вактида тўланмаган тақдирда, Истемолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, бирор муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пена тўлади.

IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга карши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб колмасдан, барча амалдаги қонун ва қондаларга оид шартларни ва талабларни тадбик этилишини инфодалайди ва кафолатлайди.

9.2. “Истемолчи” “Етказиб берувчи”га мазкур шартнома доирасида қийдагиларни кафолатлайди ва куйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал килиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истемолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, “Етказиб берувчи”нинг коррупцияга карши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қондаларига катъий риоя килади.

X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзага келган тақдирда томонлар қондага кўра, уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

10.2. Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибида жавобгар жойлашган жойдаги тегишли судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгаришига йўл кўйилмайди, конунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

11.1. Томонлар:

а) табии оғатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармокларида, газни кайта кишилган корхоналари ва газ қазиб чиқарни жойларидан куттилмаган авария вазиятлари юзага келганда, шунингдек ёнгид бўлмас кучлар туфайли содир бўлган табии оғатлар, хусусан, сел, ёмғир, сув тошкени, ёнгин чиқиши, ер қимирлаши, вирус тарқалиши ва пандемия даврида ҳамда

Хукумат карорига асосай тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажариш имкони бўлмай қолганда жавобгарликка жалб этилмасдан, газ етказиб беришни тўхтатип, кискартириш ёки муносабтларни тўхтатиши хукукига эга бўладилар.

11.2. Форс-мажор холаттар юзага келгандай тақдирда, тарафлар ҳар кандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бiriни хабардор килиши керак.

11.3. Агар, күрсатылған холаттар 90 кундан орткы күн мобайнида сақланып тұра, томонлар музокаралар йөли билан шартноманы келгүсіда бажарыш түғрисидеги карор кабул килаадилар.

XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага ўзгартириш ва кўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

12.2. Бюджет ташкилтлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралидаги ПК-594-сон қарорига асосан Фазначилик бўлимни томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

12.3. Шартнома *дада* йил 31 декабргача бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан биро шартномани бекор килиш тўғрисида талаб билан мурожаат килмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган хисобланади.

Бюджет ташкылголари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартноманинекорниши түгрисида талаб билан мурожаат қилимаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилик ҳар йили 2012 йил 31 декабр санаасига" амал қилишларидозим.

12.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича даъволари дарёга кабул килинган кундан боштада 30 кун мобайнида кўриб чиқилади.

XIII. ЯКУНЛОВЧИ КОИДАЛАР

13.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июнданги “Табий газ ва электр энергиясини сотиш механизмини таомиллаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ти № 6010-сон Фармони қабул қилиниши муносабати билан Табий газни улутуржи истеъмолчидарга сткабиз бериш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (БЮРО) барча ваколатлари 2020 йилнинг 1-августига кадар амалда бўлади.

13.2. Ушбу шартнома томонларниң ҳар бири учун иккى нусхада түзилгән, иккәлә нусхасы ҳам бир ҳил юридик күчтә эга.

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» «Худудгаъзтаминот» АЖ	“ИСТЕММОЛЧИ”		
Манзил: Тошкент ш. Яккасарой тумани, Бобур кўчаси 59А Тел./факс: x/r: 22 _____ Банк номи: Ракат филиали МФО: ИНН: Рахбар: Имзоси:		(бюджет ташкилотлари, хўжалик юритувчи субъектлар номи) Почта манзил: ОКПО коди _____ ОКЭД _____ Мулоқот телефони _____ Fax /x/ Toshkent turizm va mehmonxona menejmenti texnikumi Узиннобод тумани, Maxtumqoli 2-tor ko'chasi, 1-uy. Tel. 71 265-40-3 SH. h/r 10000836190709901645 STIR: 200 836 987 OKED 85320 Nafay bank Toshkent sh. Bosh boshqarmasi XKKM MFO: 00014 O'z. Resp. Motiya vazirligi g'aznachilik ИНН Газ. h/r. 2340 2000 3001 0000 1010 G'aznachilik bo'limi STIR: 201 122 919 ш/x _____ x/r _____ Рахбар: Имзоси:	
 		 	

Юридик маслақатчылар худосасы:

20.01.2022 /

(ФИШ)

(имзо, мухг)

(сана

Фойдаланишга қабул қилинган газдан фойдаланиш ускуналари РҮЙХАТИ

т/р	Корхона, участка, цех номи	Агрегатлар		Лойиҳавий газ сарфи, м.куб/саат	Газни ҳисобга олиш приборларининг турлари
		номи	сони		
1.	Муназзабод ши, тарафидан берилган	-1405			
	BK-5Л	1	0,95	Призма-25	
	BK-15Л	1	0,95	Н60106833	
	KIT	1	4		
	TT-2000н	1	0,95		
	BK-10н	1	0,95		
	ОПЧ-03Л	1	0,95		
	CIT	1	3,3		
				15,6 м ³ /час	15,6 м ³ /час



Рахбар

Имзоси

Ижрочи

ФИО
(Ф.И.Ш.)

(Ф.И.Ш.)

13

Келишилган:



Истемолчи

Рахба

Мукар Урни

TOPPER

卷之三

卷之三

(Ф.И.Ш.)

הנִזְקָנָה

20 дйил «10» ел дагы
2023г -сон шартномага
ИЛОВА

Фаолият тури: Миши Айесе

Тариф 660 сум _____ тийин